O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 1-avgust • Shanba • 90 (30.051) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари бошланди**

*Чўлпонота, 31 июль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.*

## ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммитида иштирок этиш учун бугун Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрига келди.**

Бу ерда ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Музокарада ОДКБ фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасига ҳам эътибор қаратдилар.

(ЎзА)

## СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ

***Термиз шаҳрида «Соғлом она — соғлом бола» мавзуини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, тиббиёт бирлашмалари, репродуктив саломатлик марказлари раҳбарлари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Унда репродуктив саломатлик бўйича бирламчи тиббий-санитария муассасаларининг иш фаолияти таҳлил қилиниб, аҳоли ва туғуруқ ёшидаги аёллар сони ҳамда туғуруқ кўрсаткичларининг электрон базаси яратилди. Узун, Сариосиё, Бойсун, Олтинсой, Бандихон ва Денов туманларидаги тоғли қишлоқларда аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун кўчма бригадалар ташкил этилди.

Жорий йилда вилоятда истиқомат қилаётган 534 минг 326 нафар туғиш ёшидаги аёлнинг 89 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Турли экстрагенитал касалликлар аниқланган аёлларнинг 66,5 фоизи амбулатория ва стационар шароитида соғломлаштирилди.

Анжуманда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИ

*29-30 июль кунлари бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида корхона ва ташкилотлар томонидан 21243 та бўш иш ўрни таклиф этилди*

**Меҳнат ярмаркаси**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ҳамда вақтинча банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди.






Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган бу тадбир ушбу йил ҳисоби бўйича иккинчиси бўлди. Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 225 та корхона-ташкилот 21243 та бўш иш ўрнини таклиф қилишди. Жумладан, энг кўп учрайдиган касблар ва лавозимлар — 9957 та, туман ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун — 3532 та квота, фаолиятини бошлаган янги корхоналардан — 7754 иш жойлари тавсия этилди.

Ҳозир бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда ва қанчадан-қанча одамлар ишсиз қолмоқда. Ҳамма жойда иш ўринлари қисқартирилса, бизда янги иш ўринлари яратилаяпти, меҳнат ярмаркалари ўтказилаяпти. Иш йўқ, дея айюҳаннос солаётган айрим одамлар ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида иштирок этишса, ўзларининг хато фикрларидан қайтишарди.

Бобур боғига кириб борган кишининг кўзи қувнайди. Ҳамма иш тартиб билан йўлга қўйилган. Ҳар бир туман ўзи учун ажратилган қисмларга жойлашган. Баннерларга қанча бўш иш ўринлари мавжудлиги, лавозими, маоши батафсил ёзиб қўйилган. Энг эътиборли тарафи, ҳар бир маҳалла ўз фуқароларини махсус автобусда ярмарка ташкиллаштирилган жойга олиб келишди. Тадбир том маънода меҳнат ярмаркаси эмас, меҳнат байрамига айланиб кетди.

Ярмаркада жуда кўплаб юртдошларимиз иштирок этдилар.

2-бет



**Ярмаркада қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари таклиф қилинди:**

- **шифокор ва ҳамшира —875 та;**
- **муҳандис — 401 та;**
- **тикувчи-бичувчи-йигирувчи — 338 та;**
- **ўқитувчи-педагог — 108;**
- **чилангар, электр-пайвандчи — 121 та;**
- **электрмонтажчи — 118;**
- **иқтисодчи-ҳисобчи — 112 та;**
- **қурувчи — 107 та;**
- **механик — 85 та;**
- **ҳайдовчи — 936 та.**



**ЎзХДП: мунтақавий ташкилотлари конференциялари**

# ҚАТЪИЯТ ВА ТАШАББУС

*бор жойда амалий иш бўлади, одамлар ишончи қозонилади, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят ташкилоти конференциясида*

***Ўзаро танқид руҳида ўтган конференция, иштирокчилари — делегатлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фаоллар «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларда белгиланган устувор вазифаларни бажаришда вилоят партия ташкилотининг иштирокини кучайтириш» тўғрисидаги масалани муҳокама этдилар.***



Унда вилоят партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти чуқур таҳлил этилди.

Асосий масала юзасидан вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева маъруза қиларкан, мустақиллигимизнинг 18 йили давомида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухорода ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлгани, бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасигина эмас, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараши тубдан ўзгарганлигини алоҳида таъкидлади.

— Бу мамлакатимизда узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат, инсон манфаатлари йўлида қилинаётган ислоҳотлар самарасидир, — деди у. — Дунёнинг кўпчилик, ҳатто ривожланган давлатлари молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекаётган бир вазиятда мамлакатимизда ҳаёт барқарор ривожланмоқда. Танланган мустақил тараққиёт йўлидан бораётганимиз, қабул қилинган давлат дастурлари доирасида ҳар бир ҳудуднинг ривожланишига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар, мақсадли ижтимоий сиёсат аҳолининг кўмак ва қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлами манфаатлари ҳимоясини кучайтирмоқда. Бу эса ЎзХДП дастурий мақсадларига жуда мос. Партия қуйи тузилмалари, депутатлик гуруҳлари электоратимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиб, мутасадди ташкилотлар, ҳомийлар ёрдамига таянган ҳолда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кўп болали оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда...

2-бет

## 214 ТА ИШ ЎРНИ

*Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида мавжуд уй-жой фондини кенгайтириш, эски биноларни қайта тиклаш ва мукаммал таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоятда 18 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхонаси ташкил этилди. Натижада қурилиш соҳасида 214 та янги иш ўрни яратилди.*

*Ҳозирги вақтда «Сардоба кўркам келажаги», «Бунёдкор сервис», «Али Гулистон сервис», «Оқ олтин қурувчи инвест» каби қурилиш-таъмирлаш хусусий корхоналари қизғин фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналар томонидан буюртмачилар билан 471 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан шартнома имзоланган.*

**Мунаввар ПАРДАЕВ**

**Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар**

## ҚАДАМЖО ОБОД БЎЛАДИ

*Мустақиллик шарофати билан буюк алломаларимиз мангу қўним топган манзиллар обод этилаяпти. Сурхон воҳасида яна бир хайрли иш бошланди Сўфи Оллоёр номидаги жамғарма ташкил этилди. Унинг мақбарасини обод қилишга киришилди. Жумладан, ўтган уч йил давомида ушбу зиёратгоҳга 5 километр масофага қувур тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилди. Юқори кучланишли трансформатор ўрнатилди. Эндиги мақсад эса Сўфи Оллоёр мақбараси, музейи ва бошқа иншоотларни бунёд этишга қаратилган.*

*Яқинда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги раҳбарлари ва бир гуруҳ мутасаддилар Олтинсой туманида жойлашган мазкур зиёратгоҳда бўлиб, муқаддас қадамжони обод этиш хусусида фикрлашиб олишди.*

*— Саховатпешалик — халқимизга хос хусусият, — дейди деновлик Баҳром Дилов. — Ушбу қадамжо Мустақиллик байрамигача ҳомийлар маблағи ҳисобига тўлиқ обод этилади. Унга Абдуғани Саидов, Турум Мўминов, Жума Мирзаев, Бахтиёр Янгибоев сингари саховатпеша ҳамюртларимиз ўз ҳисобларидан 5-10 миллион сўмдан маблағ ажратишни ният қилишди. Хуллас, бу ҳашарга ҳар ким баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшади.*

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ҚАТЪИЯТ ВА ТАШАББУС 2



ЯНГИ АСР НАФАСИ 3



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» 4





# ҚАТЪИЯТ ВА ТАШАББУС

***бор жойда амалий иш бўлади, одамлар ишончи қозонилади, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят ташкилоти конференциясида***

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференцияда қайд этилдики, 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши ҳамда бу борада Давлат дастурининг қабул этилиши аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалалар бўйича партиямиз ташкилотлари олдига муҳим вазифаларни қўйди. Шу муносабат билан вилоят партиямиз кенгаши ўзининг тадбирлар режасини қабул қилган. Аҳоли яшаш жойларида ичимлик сув, табиий газ таъминотини янада яхшилаш бўйича мониторинг олиб борилмоқда. Депутат сўрови орқали бу масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссияси йиғилишида кўриб чиқилишига эришилган.

Шуни очиқ айтиш керакки, ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалаларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда айрим депутатлик гуруҳлари ўз салоҳияти, ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлиқ фойдалана олмади.

**Жондор, Пешку, Ромитан, Ғиждувон, Бухоро туман партия ташкилотлари ва мазкур туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида қатъият, изчиллик, журъат ҳамда ташаббус етишмаяпти.**

Биргина халқ депутатлари Қоракўл туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш масаласини сессияда киритишга эришган, холос. Когон шаҳрида эса депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик сув билан қандай таъминланганлиги масаласи кўриб чиқиш учун тайёрланди. Лекин бу иш ҳамон охирига етказилмай келинмоқда.



— Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида кўпгина маҳаллий депутатлар талаб даражасида фаолият кўрсатмаганини очиқ тан олиш керак, — деди вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Вобкент туманидаги Харгўш маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзибиби Эсонова. — Депутатлик гуруҳимизда дадиллик етишмаганлиги боис электорат манфаатларига дахлдор кўпгина масалаларни сессиялар кун тартибига кирита олмадик. Ҳолбуки, Жамоатчилик қабулхоналари, сайловчилар билан учрашувлар, ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари, фуқароларнинг ХДП туман ва вилоят кенгашларига бевосита мурожаатларида муҳим аҳамиятга молик масалалар кўтарилмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Уч йилдирки, барча туман, шаҳар партия кенгашлари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолият кўрсатмоқда. Булар электорат билан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аммо, ҳамма жойда ҳам бу йўналишларда олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

**Пешку, Олот, Қоровулбозор, Ғиждувон туманларида, Бухоро шаҳар партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларга баъзи ҳолларда эътиборсиз қаралган.**

Фаол аёллар сафини кенгайтириш, ёшлар билан ишлаш масалаларида ҳам жиддий ўзгаришларга талаб бор.

— Бугунги аёл учун жамиятимизда кўпгина қулайликлар, ҳуқуқлар, имкониятлар яратилган, — деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги БПТ раиси, Бухоро шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Маъмура Сафоева. — Фақат уларга бу имкониятлардан амалда самарали фойдаланишлари учун кўмаклашишимиз даркор. Аммо, бу борадаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмайди. Ташаббус ва талабчанлик, фаолликни уйғунлаштирган ҳолда сафдошларимиз масъулиятини оширишни бугунги кун қатъий талаб этмоқда. Бунда, энг аввало, ўзимиз фаолроқ бўлишимиз шарт.

— Ҳамма қусурларнинг энг ёмони лоқайдликдир, — деди «Нуроний» жамғармаси Пешку туман бўлими раиси Жаҳон Жамолов. — Туманда 60 дан зиёд БПТ мавжуд, улар атрофига 1600 дан зиёд аъзо уюшган. Бу катта куч.

**Фаоллар қатламини кенгайтириб, амалий ишларни кўпайтириб, электорат орасига чуқур кириб борсаккина партиянинг нуфузи ортади, ортимиздан одамлар эргашади.**

Афсуски, ҳисобот даврида БПТдаги ишлар бирмунча бўшашганлиги сезилди. Лоқайдликни бартараф этмай туриб, юксак мақсадларга эришиб бўлмайди.

Конференцияда меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, таълим муассасаларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш, бу борада давлат ва маҳаллий дастурларнинг тўла ижросига эришиш, касаначиликни янада ривожлантириш, кам таъминланган оилаларда ҳунармандчиликни йўлга қўйишга кўмаклашиш ХДП тузилмаларининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги алоҳида уқтирилди.

— Бу йўналишда махсус чора-тадбирлар режасини белгилаб олганмиз, — деди Қоракўл туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебутов. — Шу йил коллежларни битирган мингдан зиёд ёшларни ишга жойлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этдик. Тажриба эса бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров қатнашиб, вилоят партия ташкилоти фаолиятини кучайтириш масалаларига эътиборни қаратди.

Конференцияда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

✧✧✧

Конференциядан сўнг бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида Саида Жўраева яна Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

**❖ Юртимизнинг қай гўшасига борманг, бугун катта тўй тараддуди устидан чиқасиз. Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини ўзига хос тайёргарлик билан кутиб олмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, фаоллари ҳам байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.**

# КАТТА БАЙРАМНИНГ ДАСТЛАБКИ ШОДИЁНАСИ

Куни кеча партиянинг Собир Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан Аҳмад Яссавий номли маҳаллада Ватанимиз мустақиллигининг 18 ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан катта байрам тадбири ташкил этилди. Унда маҳалла аҳли, партиямиз фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

— Истиқлол айёми, пойтахтимизнинг қутлуғ юбилейи бир-бирига уланиб кетишида катта рамзий маъно бор, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шоймқулов. — Чунки, мамлакатимиз мустақиллиги айнан шу жонажон шаҳримизда эълон қилинди, диёримизни барқарор тараққиёт йўлига олиб чиққан Ўзбек модели ҳам айнан Тошкентда ишлаб чиқилган. Пойтахтимиз қутлуғ тўйини эмин-эркин нишонлашимиз ҳам мустақиллик шарофатидан. Шунинг учун ҳам биз бу йилги байрамни ўзгача руҳ, шукуҳ билан кутиб олмоқдамиз. Ижтимоий ҳимоя, кўмакка муҳтож кишилар манфаатларини таъминлаш учун курашишга бел боғлаган бизнинг партиямиз, унинг фаоллари байрамни жойларда кенг миқёсда нишонланиши учун турли ташаббуслар билан чиқмоқда.

— Бугун мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, навқирон Тошкентимиз кундан-кун чирой очиб, яшнаб-яшариб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Тўлаганова. — Албатта, бу ишларда маҳалладошларимизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси борлигидан қувонамиз. Шунинг билан бирга, биздан ўсиб-улғайиб келаётган болаларимизни бошланган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш талаб этилмоқда. Чунки мамлакатимиз раҳбари айнан улар тимсолида Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўришини ҳар доим алоҳида таъкидлайди.

Тадбир давомида маҳалла ҳаётида қўлга киритилган кўплаб ютуқлар ҳам эътироф этилди. Ёш спортчилар туман, шаҳар миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда эришаётган ютуқлари учун мақтов ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ЎзХДП Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман кенгашлари томонидан шу маҳаллада истиқомат қилиб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган фаолларга, кам таъминланган оилаларга ва уларнинг фарзандларига фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари, ўқув қуроллари топширилди.

Байрам тадбири таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, қувноқ ҳажвлари билан давом этди. Бу маҳалла аҳли учун икки катта байрамнинг дастлабки шодиёнаси бўлди.

**Асли КАМОЛ**

# АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИ

***❖ 29-30 июль кунлари бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида корхона ва ташкилотлар томонидан 21243 та бўш иш ўрни таклиф этилди ❖***

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Элмира Боситхонова, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси Бош врачи:**

— Охирги пайтда юртимизда бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш анъана тусини олди. Бу албатта, ҳаммани қувонтиради. Март ойида бўлиб ўтган ярмарка ҳам жуда чиройли тарзда ўтказилган эди. Ўшанда биз 15 нафар кишини ишга қабул қилгандик. Бугунги ярмаркада эса 25 та бўш иш ўрни билан иштирок этаяпмиз. 4 та врач, 18 та кичик ҳамшира, 3 та хўжалик ходими лавозимига ишчиларни таклиф этаяпмиз. Ҳозиргача иккита врач ва бир қанча ҳамширалар рўйхатдан ўтишди.

**Зилола Азимова, ЎзМУ талабаси:**

— Мен дарсдан кейин ишлаб, қўшимча даромад топиш мақсадида ўзимга мос иш қидириб бу ярмаркага келдим. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ободонлаштириш бошқармаси очилган экан. Дизайнер-ташқи бўяш вазифасида ишлаб, шаҳарчамизни доимо гўзал бўлиши йўлида ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

**Нилуфар Муҳиддинова, Миробод туман бандликка кўмаклашиш маркази директори:**

— Икки кун давом этадиган ярмаркада туманимиздан 905 нафар битирувчи қатнашиши кутилмоқда. Улар туманимизда жойлашган 7 та касб-ҳунар коллежининг битирувчиларидир. 29 июль куни 475 нафар, 30 июль куни 430 нафар битирувчимиз ярмаркага ташриф буюришади. Меҳнат ярмаркасида туманимиздан 21 та корхона ўзининг 1015 та бўш иш ўрни билан қатнашаяпти.

**Барно Тўрақулова, Боровский номли тиббиёт коллежи битирувчиси:**

— Мен ўз йўналишим бўйича бўш иш ўринларини кўздан кечирдим. Аммо йўлланма олишга шошилмаяпман. Боиси, Тошкент тиббиёт академиясига ҳужжат топширганман. Ўқишга кирсам, зўр шифокор бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қиламан.





Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

**Нурмуҳаммад Қаршиев, ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси:**

— Бизнинг ярмаркада қатнашишимиздан мақсад — ёшларимизни иш билан таъминлаш. Талабаларни дарсдан кейин ишлаши учун имконият яратиш мақсадида 0,5 ставкали ишларни ҳам ташкил этдик. Шу йилнинг ўзида меҳнат ярмаркасининг иккинчи бор ташкил этилиши, ёшларимиз учун иш топишда катта имконият яратмоқда.

**Холида Низомова, Сергели туман бандликка кўмаклашиш маркази директори:**

— Март ойида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида бизнинг туманимиздан 811 нафар киши йўлланма олганди ва шундан 785 нафари ишга жойлашди. Туманимизда қўшма корхоналар сони анчагина. Бўш иш жойлари ҳам кўп. Иш ҳақи ҳам паст эмас. Ўртача иш ҳақи ойига 150-200 минг сўмни ташкил этади. Ўйлайманки, ишлаш истагида бўлган киши бу ерда ўзига керакли ишни топа олади.

**Зулфия Содиқова, Чилонзор тиббиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси:**

— Мен бу ярмаркага ўзимга мос иш топиш мақсадида келгандим. Мирobod туманида жойлашган руҳий касалликлар шифохонаси ва 7-стоматологик клиникага йўлланма олдим. Энди бориб иш жараёни билан танишмоқчиман.

**Ҳожиакбар Ғуломов, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи битирувчиси:**

— Болалигимдан компьютерга қизиққаним боис, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битирдим. Бу ерда компьютер соҳаси бўйича кўплаб ишлар бор экан. Ҳозирча йўлланма олмадим. Сабаби, яхшилаб кўриб, кейин иш жойимни танламоқчиман. Бизларга шундай ғамхўрлик қилиб, шунчалик шароитларни яратиб бераётган ташкилотларга раҳмат.

✧✧✧

Дарҳақиқат, юрт ободлиги, эл фаровонлигига ўзини масъул деб билган, ҳалол меҳнатим билан мамлакат ривожига ўз ҳиссамни қўшаман деган ҳар бир одам бу каби ярмаркаларда ўзига муносиб иш топа олади.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Бир хат изидан

**Таҳририятга йўлланган мактуб изидан Ғаллаоролга йўл олдик. Унда туман марказидаги Бахт маҳалла фуқаролар йиғини собиқ котиби Зифа Умурзакованинг иш фаолиятида йўл қўйган камчиликлари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслиги, қонунга хилоф айрим ишлари ҳақида сўз юритилган эди.**

# ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ ЎЙЛАБ ГАПИР

***ёки айтган, ёзган сўзингиз жавобгарлиги тўғрисида ўйлаб кўрдингизми?***

Зифа Умурзаковани топиш қийин бўлмади. У ҳақиқатан ҳам маълум бир муддат маҳалла фуқаролар йиғинида котиб бўлиб ишлаган, айни пайтда эса ишдан четлаштирилган экан.

— Туман прокуратурасининг 2009 йил 29 апрелдаги тақдимномасига асосан туман ҳокимининг 2009 йил 18 майдаги 47-сонли фармойишига кўра, эгаллаб турган вазифамдан бўшатилдим, — дейди у. — Фаолиятим даврида айрим хато-камчиликларга йўл қўйганлигим учун шундай кўргуликлар бошимга тушганидан афсусдаман...

Дарвоқе, Зифа Умурзакова ҳақида. Унинг дастлабки даврда маҳалла котиби бўлиб яхши ишлаганини кўпчилик эътироф этаяпти. Лекин кейинчалик, айниқса, охирги йилда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам пули тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 434-сонли қарори, 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сонли қарорларининг ижросини таъминлашда қўпол хатоликларга йўл қўйди, ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараб, давлат бюджети маблағларининг талон-торож қилинишига имкон яратди.

Хусусан, туман Бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимлари билан жиноий тил бириктириб, аҳолининг ночор қатламини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган каттагина миқдордаги пул маблағларини зарур расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштирди. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, З.Умурзакова Самарқанд шаҳрида яшовчи, Ғаллаорол туманида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтмаган қайин синглиси С.Рамазановага ўзбошимчалик билан ишсизлик нафақаси тайинлаб юборди. Бунинг учун у С.Рамазановани ўзининг оила аъзоларидан бири эканлиги ҳақида 43-сонли сохта маълумотнома тузиб, туман Бандликка кўмаклашиш марказга тақдим этди. Натижада у олти ой мобайнида, жами 672 244 сўм мақсадли ёрдам пулини ўзлаштирди.

Шунингдек, Зифа Умурзакова шахсий даромад илинжида ўз фарзанди Н.Шакаровани ишлаётган бўлишига қарамасдан Бандликка кўмаклашувчи маркази ҳузуридаги комиссиянинг 88-сонли йиғилиш баёнига асосан ишсиз, деб эътироф этди. Шунга кўра қизига 6 ой ичида 76641 сўм миқдорида ишсизлик нафақаси тайинлашга эришди.

Ўзингиз ўйланг: давлатимиз, ҳукуматимиз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан миллионлаб сўм маблағларни топиб, маҳаллада истиқомат қилаётган ночор, ёрдамга муҳтож оилаларга ажратса-ю, маҳалланинг «эгасиман», дея кўкрак кериб юрган баъзи «валломат»ларнинг айби билан бундай маблағларнинг каттагина қисми ноўрин, нотўғри тарзда сарфлаб юборилса, ўзлаштирилса... Бундай хатти-ҳаракатни қандай изоҳлаш мумкин?

Халқимиз азалдан етим-есирнинг, ночорнинг ҳақига хиёнат қилишни гуноҳи азим деб билади. Зеро, бугун ҳам бу қадриятимиз қадрини йўқотмаган.

Мақолага шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин масаланинг бошқа томони бизни андак ўйлантираётир. Тўғри, Зифа Умурзакова моддий ёрдамга муҳтож оилалар қолиб, ўзининг таниш-билишларига «ижтимоий ёрдам» кўрсатганлиги учун қонун олдида тегишли жазосини олди. Бироқ мактуб муаллифлари унга яна бошқа гуноҳлару айбларни ёпиштиришга зўр бериб уринишаётгани taажжубли. Муаллифларнинг ёзишича, Зифа Умурзакова Бегимқулов кўчаси, 34-уйда яшовчи фуқаро Қувондиқов Фарҳоднинг жияни 1994 йилда туғилган Очилов Эркинни манзили, шахси номаълум бир одамга сотиб юборганмиш... Ёки шу Қувондиқовнинг синглиси Насиба ва унинг дугонаси Гулнорани жаззахлик Роза исмли қўшмачи аёлга мўмайгина чойчақа эвазига «тортиқ» қилиб юборган эмиш...

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Қувондиқов Фарҳод билан учрашдик ва жияни Эркин, синглиси Насибанинг тақдири билан қизиқдик.

— Очиғи, бир нарса дейишга ожизман, — тўғрисига кўчиб қўя қолди у. — Бир кишига туҳмат қилиш эса гуноҳ. «Шундай-шундай» деб ёздик, имзо чекиб берсанг бўлди, дейишса, ўйламай-нетмай «қўл қўйиб» бераверибман. Аслида ўзи хатга имзо чекмасам бўларкан...

Кишини ўйлашга, мушоҳада қилишга мажбурлайдиган жиҳатиям, аслида, шу «ўйламай-нетмай» гапириш оқибати. Билиб туриб, қасддан туҳмат қилиш гуноҳи азим ҳисобланади. Кези келганда бир ривоятни келтирмоқчимиз. Қадимда бир киши қозининг ҳузурига «Қўшним ҳовлисидан бизникига оқиб чиқадиган ариқ сувини лойқалатяпти» дея арз қилиб келибди. Қози арзчидан гувоҳ, исбот ва далил келтиришини талаб қилибди. Қўшнисига туҳмат қилиб, маломат тошини отган кишини «Элнинг назаридан қолдиринг, етти тўй, маъракага чорланмасин» дея жазо тайинлаган экан.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, хат муаллифларининг Зифа Умурзакова тўғрисидаги кейинги гаплари қуруқ гап, асоссиз миш-миш, уйдирмадан ўзга нарса эмас.

Савол туғилади: бир маҳаллада, кўпчиликнинг кўз ўнгида юз бераётган бундай ҳолатларга маҳалла фаоллари, оқсоқоллар нега лоқайд қарашмоқда? Гуруҳларга бўлиниб, тарафкашлик билан аризабозлик қилаётган, тап тортмасдан ивғолар уюштираётганларни тартибга чақириш, кўпчилик олдида изза қилиш ҳар бир қишлоқ, маҳалла оқсоқолларининг қўлидан келадику!

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили




Яқинда бир ҳамкасб дўстимиз қишлоғига отланибди. Самарқанд автошоҳбекатига чиқиб қараса, автобус жўнашига ҳали икки соат бор. Айланиб юриб, «Форд» микроавтобуси «манглай»ига «Тошкент — Жўш» деб ёзиб қўйилганини кўрибди. Ё фалак! Қўшработга ҳам эмас, нақ Жўшнинг ўзига-я! Эртакка ўхшайди! У ҳайрон бўлиб, ҳайдовчи йигитни саволга тутибди:

— Қўшработнинг Жўшигами?

— Ҳа!

— Ана, халос! Қачон кетади?

— Ҳозир!

— Ё Раббим!.. Жой борми, ука?

— Жой бемалол, чиқинг.

Суриштирса, йўлкира ўн уч минг экан. Илгари Самарқандгача шунча олишар эди. Қолаверса бундай имкониятлар қаёқда эди. Жўшнинг ўзига етиб олгунча бир кун кетарди. Ҳали автобус кут, ҳали йўловчи машина кут!..

— Жўшга борсам, жияним «Матиз»да чиқиб кутиб олди, — дейди у. — Мени хурсанд қилган шу бўлдики, ҳамқишлоқларимнинг ҳар бирида «Нексия» ёки «Матиз», бўлмаганида «Тико» автомобили. Айримлар сурув-сурув қўй боқаётир. Айримлари экин-тикин билан банд. Ишкилиб, бекорчи одамнинг ўзи йўқ, ҳар ким бир юмушнинг бошини тутган.

Биласиз, Қўшработ бепоён дашту далалардан иборат. Туманнинг тоғ бағрида сочилиб ётган қишлоқларига телефон ўтказиш осон эмас. Бу бир дунё харажат талаб қилади. Сиз бугун кишиларнинг қайси бирига қараманг, ёшларни қўя туринг, кексаларнинг қўлида ҳам телефон. Ўтирган жойида Тошкент ёки Самарқанддаги, дунёнинг у четидаги қариндош-уруғи билан эмин-эркин гаплаша олади.

Одамга яна нима керак?!

— Бу йил чорванинг йили бўлди, — дейди тўқсон яшар Бобоқул ота Усмонов. — Ҳар қайси оила уч-тўрт йилга етадиган ем-хашак жамғарди. Ғаллани-ку, айтмаса ҳам бўлади! Лалми ерларимиз эллик центнердан ҳосил берди. Кейинги олтмиш йилда бундай бўлмаган, болам! Бу — ризқ-насиба! Бу — кут-барака! Фаровончилик дегани шу, аслида! Шунинг учун одамлар жоним-отим бўлиб ерга ёпишди, кузги экинга ҳозирлик кўраяпти...

✧✧✧

Яқинда Навоий вилоятига бордик. Хатирчининг олис тоғ қишлоқларига янги аср нафаси қутлуғ қадам билан кириб бораётганини кўрдик!

Ҳамза Ҳамроев кекса педагог. У етмиш саккиз ёшда. Умр бўйи ёш авлодга тарихдан сабоқ берган, ҳозир пенсияда. Биз борсак, тоғ ён бағридаги узумзорини парвариш қилаётган экан. Оқсоқол дастурхон ёзди ва ҳозир тандирдан узилган, тилладай товланиб турган қайноқ нонни ушатди.

— Эсимни таниганимдан буён бундай бўлмаган! — дейди кекса тарихчи нонга ишора қилиб. — Садақаси кетай, Самарқанднинг нонидан қолишмайди! Шу йилги ўзимизнинг ғалладан! Нави ҳам бошқача, таъми ҳам, баракаси ҳам! Бу йил ғалланинг йили бўлди. Режа ошиғи билан бажарилди.

Хатирчининг Кўпайи қишлоғи шундоқ Оқтовнинг этагида жойлашган. Эллигинчи йилларнинг охирида одамлар ҳашар қилиб гуваладан бир мактаб барпо этган, ўзига яраша. Ислом шоир Назар ўғли номидаги чайладай бу мактабда тўрт йиллик таълим берилар эди. Шундан сўнг болалар олис туман марказига қатнаб ўқирди. Бу йил қишлоқда янги мактаб биноси барпо этилди. Кўркам, замонавий. Синф хоналари кенг ва чароғон. Жиҳоз ва ускуналар ҳавас қилгулик. Энди қишлоқ болалари туман марказига қатнамайди, шу масканда тўлиқ таълим олади.

— Мактабни айтасиз, — деб суҳбатга қўшилади филология фанлари номзоди, Жалолиддин Юсупов. — Қишлоқда Агроиқтисод коллежи бунёд этилди. Бундан ташқари, «Олтинсой» санаторийси тубдан қайта қурилди. Қарабсизки, қишлоғимиз шаҳар-жойдан қолишмайди!

Ҳақиқатан ҳам шундай. Оқтов этагидан қайноқ шифобахш сув чиқади, у минг дардга даво. Олтинсойнинг майизи ҳам жуда машҳур.

Жалолиддин Юсупов бу билан гурурланади. Ўзи туғилиб ўсган туман тарихидан сўз очади. Унга кўра, кишилик тарихи шу ердан бошланган. Бунинг нимаси ёмон? Қани энди ҳар ким ўзи униб-ўсган жойни шундай севса!

✧✧✧

Навбаҳор туманида саксон уч ёшга кирган қариялар суҳбатини олдик. Улар тирик тарих, кечмиш воқеаларнинг жонли гувоҳи.

— Ўттизинчи йилларнинг охири, қирқинчи йилларнинг бошида оғир қаҳатчилик бўлди, — деб ҳикоя қилади Санам ая Шарипова. — Шунда бутун одамлар «Нарпай» совхозига кўчиб кетишди. Совхозда иш ҳақи сифатида бир тўғрам нон берилар эди. Биз уйимиз синчли бўлгани учун ўтин сотиб кун кўрганмиз. Уйнинг ёғочини онам майдалаб, бир текис қилиб териб чиқар эди, сўнг уни эшакка ортиб Карманага, бозорга йўл оларди. Шунча ўтинни сотиб, бир-икки кило буғдой ёки арпа олиб келарди. Уни туйиб, қотирмич қилар эдик. Очликдан ўлиб кетмаслик учун шуни еб, жон сақлардик.

Ёдимда, ўша йиллар акам қамалган, пахтани кўллатиб суғорганни учун. Бир куни қарасам, бир одам, жулдур кийимда, дарвозага суяниб турибди. Соч-соқоли патак бўлиб кетган. Қўлида кичкина халтача...

Гадой деб ўйладим. Бориб қарасам, акам. Чўпдай озиб кетибди. Товуши чиқмайди. Қўлидаги халтачада бир ҳовуч донак. Шуни сўриб, уйгача етиб келибди. Онам унга атала пишириб берса, олдин бориб қозонни ялаб-юлқаб, тозалаб келарди. Шу одатини ҳеч ташламагач: «Нега бундай қиласиз, ака, атала етиб ортади-ку?!» — дедим. Шунда у: «Менинг бошимга тушган кунларни кўрсанг, сен ҳам шундай қилар эдинг», — деган.

Ё тавба! Одамзотнинг боши тошдан, дегани шу экан-да! Қандай кунларни кўрмадик, болам!

Тут пишиғига етганлар бор, етмаганлар бор, деган гап томдан тушган эмас. Тут пишиғига етган одам ўлмай қоларди, тут еб кун кўрарди. Ўша кунларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади...

Шундай бўлган, шундай замонлар ўтган.

Бир четда чўққи соқолини силаб ўтирган Жўрақул бобо Норбўтаев: — Сталин золим эди, — деб аниқлик киритади. — У эл-улуснинг оғзидаги сўнгги луқмани ҳам тортиб олган. Мой бўладими, тухум бўладими, солиқча тортган! Одамнинг сариқ чақачалик қадри бўлмаган, ўша замонда!

— Мана бугун мустақиллик ҳузурини кўриб ўтирибмиз, — деб суҳбатга қўшилади Худойназар бобо Нурназаров. — Қаранг, туманимизда қад ростлаган Педагогика коллежи маманан деган институтдан қолишмайди. Яқинда пахта тозалаш заводи, текстил комбинат иш бошлади, қизларимиз, келинларимиз унда ишлаяпти. Ҳали корхона яна кенгаяр экан...

Оқсоқол айтаётган — «Навбаҳор текстил». туркиялик ҳамкорлар билан бирга бунёд этилган, қўшма корхона тўқув ва ип йигирувга ихтисослашган. Замонавий чет эл ип йигирув дастоҳлари билан жиҳозланган. Корхона бир кунда олти тонна момиқни тайёр ип калавага айлантириб беради. Йил давомида олти минг уч юз тонна тола қайта ишланади.

Ҳозир корхонада бир юз олтмиш олти нафар ишчи хизмат қилмоқда. Йил охиригача уларнинг сони икки юз нафарга етади.

Қишлоққа саноатнинг кириб келиши ҳаётга қайноқлик бағишлайди. Буни ҳар қадамда сезиш мумкин. Бугун қишлоқ одамлари, ҳатто ўша оқсоқоллар ҳам телевизор остидан нари кетмайди. Айримлар ҳатто хонтахта устига радио ҳам қўйиб олган. Тинмайди. Эшитади, муҳокама қилади. Шунинг учунми, сиз билан биздан кам фикр юритмайди. «Нима, АҚШ бюджетида бир триллиондан ортиқ камомад бор эканми?!» «Олтмиш тўртта катта банки касодга учрабди-я!» «Нега Европанинг боши табиий офатдан чиқмай қолди?» — деган саволлар билан одамни шоширади. Президент қаерда, нима деган, сўзма-сўз айтиб беради. «Ё тавба-а! — дейсан киши. — Қандай замонда яшаяпмиз-а! Қаранг, ёши бир жойга бориб қолган, лекин, дунёнинг ташвишини чекади!»

Улар билан нима ҳақда, қайси мавзуда суҳбат қилишни билмай бошингиз қотади, шунда яна ўзлари жонингизга оро киради: «Дунёга сал эрта келган эканмиз! — деб сизни вазиятдан олиб чиқади. — Зап яшайдиган замон келди-да! Шунисига ҳам шукр, шу кунларга етказгани, кўрсатганига шукр! Илоё, ҳеч кимдан кам қилмасин!»

**Ғаффор ҲОТАМ**

## Меҳмонлар дил сўзи

*Мен ўн кун мобайнида диёрингизда илк бор меҳмон бўлдим. Қўлимни кўксимга қўйиб айтишим керакки, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мени қойил қолдирди. Кўп мамлакатларда бўлдим. Аммо бундай меҳмондўстликни, бундай суръатдаги ўзгаришларни ҳеч қаерда учратмадим.*

# ДЎСТЛАР САЛОМАТ БЎЛСА БАС...



*Бу заминга қадам қўйишимдан асосий мақсад — буюк табиб Абу Али ибн Сино туғилган қишлоқни зиёрат қилиш, у буюк зот руҳига таъзим бажо келтириш ва ўзбек халқ табобати ютуқлари билан танишиш эди.*

*Кўп замонлардан буён армон бўлиб келган орзуимга эришдим. Афшонага бордим. Бу ерни мен қишлоқ деб аталадиган шаҳар эканлигини кўрдим. Ибн Сино музейи мажмуаси дунё андозалари даражасида қурилган гўзал бир санъат асари десак ҳеч бир муболаға қилмаган бўламиз. Тиббиёт коллежи, талабалар ётоқхонаси, халқаро анжуманлар ўтказишга мўлжаллаб қурилган конференц-зални кўриб, бу ерни қишлоқ эканлигига ҳеч ким ишонмайди. Ана шундай бунёдкорлик, ўз тарихига бўлган ҳурмат мени лол қолдирди.*

*Ўзбек халқ табобати соҳасида олиб борилаётган ишларнинг диққатга сазоворлигига амин бўлдим. Ўзбекистон халқ табобати Академияси ходимларининг бизнинг дастуримиз орқали ўтган икки йил мобайнида йигирма маротабадан зиёд чиқиш қилганлари ўзбек халқ табобатига, Ибн Сино таълимотига бўлган қизиқишимизни янада кучайтирди. Дунёнинг энг илғор мамлакатларида халқ табобатининг безарар ва арзон восита эканлиги тан олиниб, зудлик билан унга расмий мақом бериш борасида эндигина ҳаракатлар бошланди. Албатта, уларнинг Сино юрти фарзандларидан андоза олиши табиий.*

*Ўзбек шоири Чустий номи менга яхши таниш. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Тошкентда яшаган рус шоираси Анна Ахматованинг Чустийга бағишлаб ёзган раҳматнома шеърини ўқиганман. Менга шоирнинг «Бизга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас» деган шеърий сатрларини ўқиб беришди. Бу сатрлар ҳар бир ўзбек фарзандининг қалбидан отилиб чиққан жўшқин бир тилак десам хато қилмаган бўламан назаримда. Бухорода бир отахон менга «Бизнинг касал бўлишга ҳаққимиз йўқ, чунки биз Ибн Сино авлоди» деган гапни айтди. Дарҳақиқат, шундай бўлсин, Оллоҳ Сизларни паноҳида асрасин. Менга Сиздек дўстларим саломат бўлса бас.*

**Геннадий МАЛАХОВ,**
**Россия телерадиокомпанияси Биринчи канали «Малахов+» кўрсатуви бошловчиси, табиб.**

Qishloq Qurilish Bank

*ҳамюртларимизга узоқ муддатли янги мультивалютали омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади*

Омонатларга маблағлар АҚШ доллари, Евро ёки Англия фунт стерлингида 18 ой муддатга қабул қилинади. Бунда, омонатчининг ёзма буюртмасига биноан, омонатни бошқа хорижий валютага нақдсиз шаклда айирбошлаб (конверсия) берилиши мумкин.

Омонатга йиллик 3 фоиз миқдорида фоизлар ҳисобланади ва ҳар ойда тўлаб берилади.

«ҚАМАЛАК-1»

АҚШ долларида қабул қилинади ва омонатчининг хоҳишига кўра Евро ёки Англия фунт стерлингига нақдсиз шаклда айирбошлаб берилиши мумкин.

«ҚАМАЛАК-2»

ЕВРОда қабул қилинади ва омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ доллари ёки Англия фунт стерлингига нақдсиз шаклда айирбошлаб берилиши мумкин.

«ҚАМАЛАК-3»

Англия фунт стерлингида қабул қилинади ва омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ доллари ёки Еврога нақдсиз шаклда айирбошлаб берилиши мумкин.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармон асосида тўлиқ кафолатланади.

**Ахборот маркази телефонлари:**
(+99871) 233-71-72, 236-16-17
*www.qishloqqurilishbank.uz*

***Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Qishloq Qurilish Bank

**ҳамюртларимизга узоқ муддатли янги мультивалютали омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади**

**«ҚУРИЛИШГА САРМОЯ»** — мақсадли жамғариб бориладиган омонат турига маблағлар бир йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади. Мазкур омонат турига Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида (21%) йиллик даромад тўланади. Жамғарилган омонат миқдори намунавий лойиҳа бўйича уй-жой қуриш учун банкдан олиниши мўлжалланаётган имтиёзли кредит миқдорининг 25 фоизига етган ҳолда, омонат эгаси банкдан уй-жой қуриш учун имтиёзли тарзда кредит олиш имкониятига эга бўлади.

**«БАХТЛИ БОЛАЛИК»** — маблағлар 1 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади. Дастлабки қўйилган омонат суммасига 1% бонус омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

**«ФАРОВОН»** — маблағлар 1 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармон асосида тўлиқ кафолатланади.

***Ахборот маркази телефонлари:***
(+99871) 233-71-72, 236-16-17
***www.qishloqqurilishbank.uz***

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

## ҲУКМРОН КОАЛИЦИЯ ТУЗИШ ҳақида келишиб олдилар

***Молдовада навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтди.***

Дастлабки ҳисоб-китобларнинг натижалари эълон қилинди, яъни 97,5 фоиз бюллетеннинг ҳисоб-китоби Коммунистик партия яна кўп овоз олганлигини тасдиқлади.

Шундай қилиб, Коммунистик партия — 45,1 фоиз, Молдова Либерал-демократик партияси — 16,4 фоиз, Либерал партия — 14,4 фоиз, Демократик партия — 12,5 фоиз, «Бизнинг Молдова» алянси — 7,4 фоиз овоз олган. Қолган учта партия эса 5 фоизлик «барьер»дан ўтолмади.

Шуни таъкидлаш лозимки, коммунистлар парламентнинг 101 та мандатидан 48 тасини, МЛДП эса 17 тасини, Либерал партия — 15 тасини, Демократик партия — 13 тасини, «Бизнинг Молдова» алянси — 8 тасини қўлга киритди.

«Интерфакс» АА хабарига кўра, мухолифатдаги 4 та партия Коммунистик партияга қарши ҳукмрон коалиция тузиш ҳақида ўзаро келишиб олдилар. Шунда улар 53 та мандатга эгалик қиладилар. Бу янги ҳукуматни тузиш, қонун қабул қилиш учун етарлидир. Аммо мамлакат президентини сайлаш ҳуқуқига эга эмаслар. Бунинг учун 61 та овоз тўплашлари лозим. Демак, мухолифат бу борада коммунистлар билан келишишларига тўғри келади.






## ВИДЕОКУЗАТУВЛАР йўлга қўйилади



Жорий йилнинг 10 августигача Чеченистон пойтахти Грозний шаҳридаги барча тижорат ва маъмурий объектлар, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари, қўйингки, жамоатчилик кўп тўпланадиган жойларга видеокамералар ўрнатилиб, кечаю кундуз видеокузатувлар йўлга қўйилади.

Шаҳар мэри Муслим Хучиевнинг айтишича, мақсад-пойтахтда хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш механизмини кучайтириш.

«Интерфакс» АА хабарига қараганда, Грознийда жорий йилнинг май ойида навбатдаги террорчилик акти содир этилган эди. Ўшанда камикадзе республика Ички ишлар вазирлиги биносида ўзини портлатиб юборганди. Шунга ўхшаш воқеаларнинг қайта-қайта содир этилиши жамоатчилик хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилишини тақозо этди.

# ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН БЎЛИШМОҚДА

*«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси йўловчиларни ўз вақтида манзилига етказишдек шарафли вазифани астойдил бажармоқда. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, харажатларни камайтириб, даромадни кўпайтириш йўлидан борилмоқда. Энг муҳими, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижроси ва корхона ишчи-хизматчиларининг намунали меҳнат шароити таъминланди.*

Кейинги йилларда поездларда йўловчи ташиш миқдори анча ошди. Нафақат халқаро, балки маҳаллий йўналишларда ҳам мижозлар кўпайиб бормоқда. Йўловчиларга яратилган шарт-шароит бунинг омили бўлаётир. Йўловчи поездларни техник ва технологик жиҳатдан йўлга шайлаш филиалида модернизация ишлари олиб борилди. Йўловчи поездларни ювиш ва жиҳозлаш борасида ҳам янгиликлар бор.

Поезд ҳаракати давомида йўловчилар учун турли кўнгилочар компьютер хизматлари ҳам йўлга қўйилди. Одамлар стол устидаги ўйинларни ўйнашлари, куй-қўшиқ тинглашлари, вагон-ресторанда лаззатли таомлардан тановул қилиб, эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқатга буюртма беришлари мумкин.

«Темирйўлйўловчи» ОАЖ таркибидаги 28 та вокзал, барча бекатлар замонавий талаблар даражасида жиҳозланган, йўловчилар учун интернет заллари, кинозал, юқори комфортли дам олиш хоналари, сартарошхоналар очилди. Яқинда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вокзаллари капитал таъмирланди. Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот шаҳри ва Жиззахда барча қулайликларга эга бўлган, ҳар бири юз йўловчига мўлжалланган замонавий вокзал бинолари бунёд этилиши режалаштирилган.

Бу йил жамиятда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Аҳолининг талаб-истаклари эътиборга олиниб, ёзги дам олиш мавсумида ҳафтасига бир марта Тошкент — Рибачье (Иссиққўл) йўналиши бўйича туристик поезд ташкил этилди. Яна бир янгилик шуки, йўл чипталарини сотиш бўйича «Экспресс-2» автоматик бошқарув тизимидан бутун МДҲ мамлакатларида қабул қилинган «Экспресс-3» тизимига ўтилмоқда. Шу йилнинг ўзида еттита янги йўловчи вагон олинади. 97 та вагон эса модернизация қилинди. Яқин келажакда янги Тошкент — Термиз йўналиши бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилади. Бунинг учун Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон участкасида Тошғузор, Деҳқонобод, Оқработ, Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон сингари 6 та янги, замонавий вокзал барпо этилди.

Корхонанинг тажрибали ишчи-хизматчилари кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Чилангар Мўминжон Комилов, вагонларни сув билан таъминловчи Қурбон Холназаров, вагон кузатувчилари Асадилла ва Қудратилла Аҳмедовлар, Зиёвиддин Ниғмонов, Эргаш Очилов, вагон текширувчиси Худойқул Тўрақулов, Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича қатновчи поезд бошлиғи Ҳусан Ражабовлар ҳақиқий маънода корхонанинг фахридир.

Очилаётган янги-янги халқаро ва маҳаллий йўналишларда йўловчиларга замонавий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, вагонларнинг шинам ва озода экани, энг муҳими, юртдошларимизга холис ва ҳалол хизмат қилмоқни ўзларининг шарафли бурчи, деб билган инсонлар темир йўл соҳасининг обрўсига обрў қўшаётир.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

## 2 август — Темирйўлчилар куни

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

*Давлат акциядорлик темир йўл компанияси*





***Кўп минг кишилик жамоа аъзоларини ва барча бўлинмаларда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларни, меҳнат фахрийларини***

**2 АВГУСТ — ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ**

***муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади. Сизларни касб байрами билан қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақият ва хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Зеро мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни темир йўл транспорти хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса ҳаммамизнинг зиммамизга катта масъулият юклаш билан бирга қалбимизни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдиради!***

***Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!***




## НУРОНИЙЛАР САЁҲАТИ

**Ижтимоий ҳаёт**

Мустақиллигимиз шарофати билан нуроний отахонларимиз ва онахонларимиз мамлакатимизнинг муқаддас қадамжоларига эмин-эркин зиёрат қилишаяпти.

— Биз отахонларимиз ва онахонларимизнинг истаклари, таклифларини инобатга олиб, муқаддас қадамжоларга зиёратлар ташкил қилаяпмиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Нукус тумани бўлими раҳбари Атамурат Давлетмуратов. — «Арбаттранс» масъулияти чекланган жамият раҳбари Женис Давлетмуратов ҳомийлигида бир гуруҳ қариялар Султон Увайс қадамжосини зиёрат қилди, буюк мутаффакир Абу Райҳон Берунийнинг Кат шаҳри (ҳозирги Беруний шаҳри), Хива шаҳрининг тарихий ёдгорликларни томоша қилиб қайтдилар. Жубаткан Бегимов, Абдулла Давлетов, Катийша Бердимуратова, Сапарниёз Пирниёзов каби пиру бадавлатларимиз бу саёҳат уларда катта таассурот қолдирганини, шу жойларда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб фахрланганликларини билдиришди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрини кўришни орзу қилиб юрган қанча нуроний отахону онахонларимиз бор. Улар мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти мисли кўрилмаган даражада ободонлашаётганлигини телевизорларда кўраяпти, газета-журналлардан ўқияпти. Шу муносабат билан жамғарма бир гуруҳ қарияларни Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида пойтахтга саёҳатини уюштиришга тараддуд кўряпти.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овоизи» мухбири.**


**Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

## ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

***қуйидаги иншоотларни тўлигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича***

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Лот № | Объект номи ва жойлашган манзили | Бошланғич нархи ҚҚСсиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| ЛОТ 1-6: | | | |
| Лот-1 | Булунғур туманидаги «Бедона» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 56 000 000 сўм | 4 ой |
| Лот-2 | Пахтачи туманидаги «Зиядин» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 45 000 000 сўм | 5 ой |
| Лот-3 | Пайариқ туманидаги «Малярийний» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 139 000 000 сўм | 6 ой |
| Лот-4 | Самарқанд туманидаги «Чакка Яркент» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 50 000 000 сўм | 4 ой |
| Лот-5 | Тайлоқ туманидаги «Сари-Қамиш» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 47 000 000 сўм | 4 ой |
| Лот-6 | Жомбой туманидаги «Димиш» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари | 150 000 000 сўм | 6 ой |

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

**Жойлашган манзили:** Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8-366) 234-04-34.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялар эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

***Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.***

Офертаалар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг макази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 15.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.


**Қонун барчага баробар**

***Инсоф, диёнат инсоният қадрлайдиган эзгу тушунчалар ҳисобланади. Улар орқали инсон қадр топиб, эл ҳурматига сазовор бўлади. Афсуски, бировлар ҳақига хиёнат қилувчи ноинсофлар ҳам учраб туради. Айниқса, нафақахўрларнинг коммунал тўловлар учун тўлаган пулига чанг солган кимсалар қилиғини ҳеч оқлаб бўлмайди.***

## «ТУЯ» ҚИЛИНГАН КОММУНАЛ ТЎЛОВ

Қорақалпоқ почта жамияти Шуманай туман почта тармоғига қарашли «Тенлик» почта бўлими бошлиғи М.Қалниёзов почтачилар О.Қошқаров ва Б.Султонов билан тил бириктириб, 2007 йил апрель, май ойлари давомида пенсионерлар томонидан коммунал ва бошқа тўловлар учун тўпланган 5522273 сўмни ўзлаштирганини қандай баҳолаш мумкин?

Суд келтирилган моддий зарар ихтиёрий равишда бартараф қилинганлигини ҳисобга олди ва «Амнистия тўғрисида»ги Олий Мажлис Сенати қарорига асосан уларни жазодан озод қилди. Бизнинг назаримизда, ночор инсонлар пулига хиёнат қилишга нисбатан халқнинг берадиган баҳоси ҳар қандай жазодан оғир ва уятли бўлса керак...

Света Артыкова Шуманай туманидаги 1-мактабда ҳисобчи лавозимида ишлаган. Лекин у ҳам нафси йўлида қинғир кўчага кирди. Ҳисобчи мактаб ўқитувчиларига тегишли бўлган 2008 йил январь, февраль, март, апрель ва май ойи иш ҳақлари, сафар харажати ва ишга яроқсизлик қоғози учун тўланган пуллар ведомостларини қалбакилаштириб, жами 1812873 сўмни ўзлаштирган. Дастлабки тергов томонидан С.Артыковага нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «г» банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган эди. Жиноят ишлари бўйича Шуманай туман суди ажрими билан айбланувчи муқаддам судланмаганлиги, мазкур жиноят айбланувчи томонидан амнистия қарори эълон қилингунига қадар содир этилгани эътиборга олиниб, унинг айблилиги тўғрисидаги масала иш юритилишидан тугатилди.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Нафс қурбонига айланмай, тўғри, ҳалол меҳнат билан жамият тараққиётига ҳисса қўшиш инсонни улуғ ва мукаррам қилади. Аксинча ҳолатлар эса юқоридаги каби мулзамлик ва шармандаликка, эл нафратига олиб боради.

**Давлатдиёр ХУДАЙБЕРГАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Шуманай туман суди раиси.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим мудири Алишер Рўзиевга онаси **ҚУТЛИ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**BOSH MUHARRIR:**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**

Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г—649
8494 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda